

Муаллиф:

14.11.2021 05:21 - Янгиланди 14.09.2023 13:38



1938 йил 4 октябрь – Ўзбекистон тарихидаги энг аянчли йўқотишлардан бири хисобланади. Айнан шу куни халкнинг энг буюк шахслари, зиёли олимлари ҳамда давлат арбобларидан бир гуруҳи Сталин катагон машинасининг қурбонига айланган.

Ўзбекистонда мудҳиш “катта террор” операцияси 1937 йил 10 августдан бошланган. 1937 йил 2 июлда ВКП(б) Марказий Комитети Сийсий бюросининг “Советларга қарши унсурлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Бу ҳужжат “катта террор” давридаги кенг қамровли катагон операцияларини ўтказиш учун йўл очиб берди. Ушбу қарор асосида НКВДнинг 00447 сонли “Қулоқлар тўғрисида”ги буйруғи тайёрланган. 1937 йилнинг августидан НКВДнинг миллий операциялар ўтказиш бўйича яна бир қанча буйруқлари қабул қилинди. Ана шу қарорларда 1937-1938 йиллардаги катагон қилинадиганлар сони деярли 350 минг кишига қўпайтирилиши қўзда тутилган. 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача Ўзбекистон бўйича факат собиқ “қулоқлар”дан 5 минг 925 киши, жиноятчилардан 1 минг 679 киши, “советларга қарши унсурлар”дан 3 минг 97 киши, жами 10 минг 700 киши қамолга олинган. Улардан 3 минг 613 киши (1-тоифа) отувга, 7 минг 87 киши (2-тоифа) 8-10 йил муддат билан қамол қазосига, ГУЛАГ, меҳнат, тузатув лагерларига сургун қилинган.

1938 йил 4-14 октябрь кунлари Тошкентда СССР Олий суди Харбий Коллегиyasининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистоннинг таниқли давлат, ҳукумат, вазирликлар ходимлари, партия ва совет органлари раҳбарлари, олимлар, ёзувчилар, шоирлар, журналистлар ва бошқа соҳадаги раҳбар ходимлардан 500 га яқини ўлим ҳамда 10 йиллик қамол қазосига ҳукм қилинган. Катагон қилинганларнинг шахсий ишлари Ўзбекистон Ишчи ишлар халқ комиссарлиги ва Давлат хавфсизлик бўлимида қолдирилган. Ана шу 500 ўзбекистонлик ҳақидаги ҳукм баённомалари ҳозирда Россия Федерал хавфсизлик хизмати архивида сақланмоқда.

СССР Олий суди Харбий коллегиyasи қарори билан ушбу кун отувга ҳукм қилинганлар орасида Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Абдулла Кодирий, Гози Олим Юнусов, Каюм Рамазон, Отажон Хошимов, Мажид Кодиров, Худойберган Девонов, Раҳим Иноғомов, Усмон Эшонхўжаев, Рустам Исломов, Файзулла Раҳимбоев, Акбар Исломов, Саъдуллахўжа Турсунхўжаев каби шахслар бўлган.

Сталиннинг катагон машинаси канча ўзбекнинг ёстигини курутган?

Муаллиф:

14.11.2021 05:21 - Янгиланди 14.09.2023 13:38

Сталин вафотидан кейин, 1956 йили КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ҳузурида 1937–1938 йиллардаги “катта террор”да катагон қилинганларни қайта текшириш бўйича комиссия тузилган. Комиссия аъзолигига Ўзбекистондан 2 киши – Н.А.Мухитдинов ҳамда академик, юрист Хадича Сулаймонова киритилган. Улар Ўзбекистон бўйича катагон қилинганларнинг оқланишида улкан хизматлар кўрсатган. Бу икки юртдошимизнинг қилган саъй-ҳаракатлари ҳали тарихчиларимиз олдида турган улкан вазифалардан биридир.

[Манба](#)